Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

http://www.ishonch-doverie.uz

2013-yil 8-yanvar, seshanba № 3 (3186)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

ЭНГ ЯХШИ ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА

Халқимизнинг саломатлигини ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, технологиялар билан таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш, тиббиёт ходимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари ҳукуматимизнинг доимий эътиборида.

«Мустаҳкам оила йили» мобайнида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган кенг кўламли ишлар «Обод турмуш йили»да ҳам давом эттирилиши кўзда тутилмоқда.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган 39-оилавий поликлиника элимизга намунали хизмат кўрсатаётган тиббиёт муассасаларидан. Шифо масканида 194 нафар тиббиёт ходими фаолият кўрсатади. Шулардан 60 нафари юқори малакали врач. 28 минг аҳоли саломатлиги йўлида жонбозлик билан меҳнат қилаётган тиббиёт муассасаси ходимлари учун ўтган йил муваффақиятларга бой бўлди.

Заҳро Расулхўжаева раҳбарлик қилаётган мазкур муассаса фидойилари «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг яхши оилавий поликлиникаси» танловида ғолибликни қўлга киритдилар.

Суратларда: тиббиёт маскани ходимлари фаолиятидан лавҳалар.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Янгиликлар оқимидан

АНДИЖОН

ЯНГИ ЎҚУВ БИНОСИ

Янги йил байрами арафасида Андижон давлат университети талабалари учун 1000 ўринли янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди.

Тўрт қаватли бинони қуриб битказиш ва атрофини ободонлаштириш учун 10 млрд. 400 млн. сўм сарфланди.

Бу ерда тарих ва ижтимоий гуманитар фанлар, педагогика факултети талабалари сабоқ олишади.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

ФАРҒОНА

ТУҲФА

Марғилон шаҳридаги «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган «Ориент-Супер» офсет дастгоҳи ишга туширилди.

Эндиликда плакат ва китобларни тезкор чоп этиш имконияти яратилиб, буюртмачиларга намунали сервис хизмати кўрсатиляпти.

Марғилонлик матбаачиларга янги технологиялардан фойдаланишда ҳинд мутахассислари амалий ёрдам бермоқда.

М. МУҲАММАДЖОНОВ

ЖИЗЗАХ

16 МИНГ 468 ТА ИШ ЎРНИ

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида Жиззах вилоятида хотин-қизлар учун 16 минг 468 та иш ўрни яратилди.

Тоғолди ҳудудлари бўлган Бахмал, Янгиобод, Фориш, Ғаллаорол, Зомин туманларининг олис ва чекка қишлоқларида уй меҳнати, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик учун тижорат банкларининг 2 млрд. 974 млн. сўмлик, шахсий томорқа, деҳқон хўжаликларини ривожлантириш мақсадида 2 млрд. 509 млн. сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди.

Бугун вилоятда 16 минг 709 нафар тадбиркор хотин-қизлар фаолият кўрсатмоқда.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

САМАРҚАНД

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Олим Ўсаровнинг 54-Каттақўрғон сайлов округидаги учрашуви очиқ мулоқот тарзида ўтди. Депутат ўз сайловчиларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, жумладан, Парламент томонидан қабул қилинган қонун лойиҳалари тўғрисида батафсил маълумот берди.

У Нуробод туманидаги Нурбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғини ва «Пўлатчи» МФЙ ҳудудидаги 67-умумий ўрта таълим мактабида ўтказилган мулоқотлар чоғида 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши замирида ётган мақсадларга тўхталиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг манфаатлари, ижтимоий ҳимояси давлатимиз диққат марказида эканига алоҳида урғу берди.

Шундай тадбирлар Нуробод тумани, Каттақўрғон шаҳар ҳокимликларида ва бир қатор таълим муассасаларида ҳам ташкил этилди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«Ishonch» мухбири

НАВОИЙ

ЎЗБЕКИСТОН — ЯГОНА УЙИМИЗ

Навоий шаҳридаги «Ширин» маданият саройида «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинар доирасида «Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила» кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбирда фаол қатнашган миллий-маданий марказлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Турли тилларда янграган қўшиқлар иштирокчиларга ўзгача завқ-шавқ бағишлади.

Мансур АЛЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

ХОРАЗМ

РАНГЛИ ГАЗЕТАЛАР

Энди Хоразмдаги газеталар ҳам турли рангларда чоп қилиниши мумкин.

Урганчдаги «Урганч тезкор матбаа» корхонаси «Миллий банк» Хоразм филиалидан олинган имтиёзли кредитлар эвазига замонавий полиграфия жиҳозлари харид қилди. Бу ерда газета-журналлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотлари арзон нархларда сифатли чоп қилиниши йўлга қўйилди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

14 январ — Ватан ҳимоячилари куни

ШАРАФЛИ НОМГА МУНОСИБ

Ватан ҳимоячилари куни олдидан Фарғона вилоятида турли маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Шарқий ҳарбий округ қўмондонлиги ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда мудофаа қобилияти мустаҳкам, давр талабларига тўла жавоб берадиган миллий армия барпо этилгани, Қуролли Кучларимиз бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг ишончли кафолатига айлангани хусусида сўз юритилди.

Инсон ҳамиша орзу билан яшайди, ўз олдига эзгу мақсадларни қўяди. Машаққатлардан чўчимаслик ва ирода кучига ишониб яшаш эса муваффақиятларга элтмай қўймайди, албатта.

ҲАРБИЙЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзаро мулоқот тарзида ўтган тадбирда «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Топволди Холдоров, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Энахон Сиддиқова ва бошқалар сарҳадларимизни мустаҳкам ва ишончли ҳимоя қилиб келаётган ҳарбий хизматчиларни байрам билан табриклаб, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиз эканлигини таъкидладилар.

Таниқли санъаткорлар ижросида янграган куй-қўшиқлар даврага файз бағишлади.

Хизмат вазифасини ўташда ибрат кўрсатаётган Ойбек Аҳмаджонов, Саъдулло Асқаров, Собит Ҳамроқулов, Жамшид Ибрагимов каби бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга диплом, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

— Армия сафида хизмат қилиш, юрт тинчлигини асраш ҳар бир эр йигитнинг бурчидир, — дейди аскар Шоҳруҳ Юсупов. — Мен ҳам буни шараф билиб, ўз йигитлик ва конституциявий бурчимни ўтаяпман. Муддатли ҳарбий хизмат ҳаётимда кўп ўзгаришлар ясамоқда. Келажакда жамиятда ўз ўрнимни топишим, орзуларимнинг ушалишида ҳарбий хизматнинг ўрни катта бўлаяпти.

Шоҳруҳ Хоразм вилоятининг Хонқа туманида туғилиб, вояга етган. Болалигидан абжир бу йигит мактаб таҳсилидан кейин Хонқа педагогика ва спорт коллежида ўқишини давом эттирди. Коллежни имтиёзли диплом билан тугатган Шоҳруҳ 2011 йил дюздо бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Республика чемпионатида муносиб қатнашиб, 73 кг. вазн тоифасида фахрли 3-ўринни эгаллади. Бу муваффақият уни янада улкан марралар сари руҳлантирди.

Инглиз ва рус тилини мукаммал эгаллаган Шоҳруҳ айни кунда чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтамоқда.

— Спорт билан шуғулланганим хизмат давомида катта ёрдам бермоқда, — дейди Ш.Юсупов. — Бу ерда биз аскарлар учун барча шароитлар яратилган. Байрам ва дам олиш кунларида спорт турлари бўйича ўзаро мусобақалар ўтказамиз. Бир неча сафдош дўстлар ўзаро келишиб олдик, муддатли ҳарбий хизматдан кейин Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кириш учун ҳужжатларимизни топширамиз. Келажакда ҳам чегарачи офицер сифатида юрт сарҳадларини қўриқлашни мақсад қилдик.

Зеро, Ватан ҳимоячиси деган шарафли номга муносиб бўлиш учун тинмай ўқиб-ўрганиш, маҳоратни ошириш, ҳарбий соҳа сир-асрорларини мукаммал эгаллаш лозим бўлади.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
лейтенант

Хотин-қизлар комиссиялари фаолиятидан

«Навоийазот» очиқ акциядорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик аъзолар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳар томонлама ҳимояланишини кафолатламоқда. Айниқса, хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг қулай ва хавфсиз меҳнат шароитида ишлаши, маданий дам олиши юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар диққатга сазовор.

АЁЛЛАР ЭЪЗОЗДА

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш эвазига ўтган йилда кўплаб иш ўринлари ташкил этилди. Шуниси эътиборлики, ишга жойлашган 1500 нафар ишчининг 515 нафари хотин-қизлардир.

— Республика миқёсида алоҳида нуфузга эга бўлган корхонада айни кунда 12 минг 155 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Шундан 4 минг 802 нафари хотин-қизлардир. Барча цехларда улар учун шароитлар яратилган, ювиниш-кийиниш, гигиена хоналари мавжуд, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Тўлқин Рўзимуродов. — Аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини кучайтириш мақсадида Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясини ҳам ташкил этдик. Бу, биринчидан, давр талаби бўлса, қолаверса, касаба уюшмасига аъзо бўлган хотин-қизларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида олиб борилаётган ишлар сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Қуш тилини қуш билади, деганларидек хотин-қизлар дарду қувончларини аёлчалик ҳеч ким ҳис қила олмайди. Комиссия иш бошлагач, маъмурият билан имзоланган жамоа шартномасида аёлларнинг ижтимоий ҳимояси кўлами янада кенгайиб, уларнинг бажарилиши ҳам қатъий назоратга олинди. Жумладан, ўтган йилнинг март ойида ўтказилган «Навоийазот» ОАЖ меҳнат жамоаси конференциясида корхона жамоа шартномасига «Аёллар меҳнатини тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар» бўлими киритилди.

Корхонада 16 ёшгача ногирон фарзанди бор 21 нафар аёл жамоа шартномасида кўрсатилган барча имтиёзлардан фойдаланиб келмоқда. Уларнинг болаларига байрамларда турли ширинлик ва кийим-кечаклар совға тариқасида тақдим этилади.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида комиссия томонидан корхонада ишловчи аёлларнинг меҳнат шароити ўрганилди. Жумладан, иш жойларининг жиҳозлангани, гигиена хоналари мавжудлиги, махсус иш кийимлар билан таъминлангани бўйича 701-, 702-, 705-, 706-, 127-, 63-, 57-, 09-, 12-, 37- ишлаб чиқариш цехларида текширишлар ўтказилди. Аниқланган камчиликлар бўйича далолатномалар тузилиб, уларни бартараф этиш назоратга олинди.

— Аёл нафақат ишчи-хизматчи, у аввало фарзандларини тарбияловчи она, хонадон ободлиги ва маънавий соғломлигига масъул бека ҳамдир, — дейди касаба уюшма қўмитасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Райҳон Бобомуродова. — Бу эса улардан ҳар томонлама билим, чуқур дунёқарашни талаб этади. Корхонамиз хотин-қизлар қўмитаси раиси Марҳабо Йўлдошева билан ҳамкорликда ўтказаётган турли учрашув, давра суҳбатлари ва маданий-маърифий тадбирлар аёлларимизнинг оила, жамият ва фарзанд тарбиясидаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилмоқда. Жумладан, шифокорлар, ҳуқуқ-тарғибот идоралари ходимлари иштирокида «Нитрон», «Органика», «Аммиак 1-2» ишлаб чиқариш ва 32-, 46-цехларида ташкил этилган Соғлом она — соғлом бола», «Аҳолини репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш», «Жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш», «Никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг моҳияти» каби мавзулардаги давра суҳбатлари ва савол-жавоб кечалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Обод турмуш йилида бу борадаги ишларимиз кўлами янада кенгаяди. Чунки, ободлик кўнгилдан бошланади. Кўнгил эса аёллар билан обод ва шодондир.

(Давоми 2-саҳифада).

Ishonch
2013-yil 8-yanvar № 3 (3196)



НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИ ЭЪТИБОРДА

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири — чорвачиликни ривожлантириш, аҳолига гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини ошириш наслчилик ишларининг қай даражада самарали йўлга қўйилганига бевосита боғлиқ. Шу боис Наманган вилоятида чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида наслдор қорамолларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Наманган вилояти Чортоқ туманидаги Камолиддин Зоҳидов раҳбарлик қилаётган «Анортоғ наслчилик-бўрдоқичилик» фермер хўжалигида 2008 йили 141 бош қорамол бор эди. Ўша йили Германиядан 47 бош зотли қорамол келтирилди. Белгиланган рацион асосида парвариш қилинган чорва сони кўпайгани сайин фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги ҳам ортиб борди.

Чорвачилик комплексида катта ҳажмдаги реконструкция ишлари амалга оширилди. Қорамолларни парваришлашга замонавий технологиялар жорий этилди. Тўлиқ компютерлаштирилган соғиш заллари қурилди. Қорамол ва бузоқларни қишда сақлаш учун Германия технологияси асосида қурилган молхоналар ишга туширилди.

Натижада ўтган 2012 йилнинг тўққиз ойида фермер хўжалиги томонидан истеъмол бозорига 500 тонна гўшт, 50 тонна сут етказиб берилди. Айни пайтда хўжаликда 520 бошдан зиёд зотли қорамол парваришланмоқда. Юз гектардан зиёд экин майдонида етиштирилаётган чорва озуқаси уларни илмий асосланган рацион асосида боқиш имконини бермоқда. Етарли техника воситалари билан таъминланган фермер хўжалигида 22 киши меҳнат қилаётир.

Суратда: ишчи Абдурасул Қодиров.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

АЁЛЛАР ЭЪЗОЗДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Шунингдек, ўтган йилда комиссия томонидан ташкил этилган «Замонавийлик ва гўзал бекалик ўз қўлимизда» танлови ҳам оила муştаҳкамлигини таъминлаш ва аёлларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим омил бўлди. Танлов иштирокчиларига касаба уюшмаси томонидан совғалар тақдим этилди.

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан 4521 нафар аёлга 158 млн. 165 минг сўмлик байрам совғалари улашилди. Наврўз байрамида 10 нафар кам таъминланган оила фарзандлари ҳамда оталиқдаги маҳалла болалари учун суннат тўй ўтказилди. Тўйболаларга совғалар берилди. Шунингдек, «Янгиариқ» маҳалласида истиқомат қиладиган кам таъминланган ёш оилага 1 млн. 300 минг сўмлик юмшоқ мебел тақдим этилди.

Кимёгарлар кунига бағишлаб «Онам, отам ва мен» оилавий спорт мусобақасида 5 та цехдан ёш оила вакиллари иштирок этди. Шунингдек, «Энг мустаҳкам оила» кўрик-танлови ғолиби бўлган оила вакиллари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

«Оила Ватан ичра Ватандир» шиори остида маданий-маърифий тадбирларда ҳам юзлаб аёллар ва уларнинг оила аъзолари иштироки таъминланди. Корхона ишчи-ходимларининг 10-12 ёшдаги фарзандлари ўртасида ўтказилган «Менинг оилам» мавзуидаги расм чизиш танлови ёш иқтидор соҳибларини кашф этди.

Хотин-қизлар соғлигини муҳофаза қилишда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти катта эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Корхонада ишлаб чиқариш гимнастикаси жорий этилган. Касаба уюшмалари томонидан уюштирилаётган турли спорт мусобақалари ва маданий-маърифий тадбирлар нафақат аёллар, балки уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришда ҳам қўл келмоқда.

— Хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш орқали соғлом турмуш тарзини ҳаётга татбиқ этишга эришаяпмиз, — дейди Р. Бобомуродова. — Ҳар йили ташкил этиладиган корхона Спартакиадаси кўтаринки кайфиятда кечади. Айниқса, ҳамкасбларнинг спортнинг шашка, шахмат, стол тенниси, волейбол, баскетбол турлари бўйича ўзаро беллашувларига қизиқиш катта. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қувончлиси, ишчи аёлларимиз спортнинг саломатликка ижобий таъсирини ҳис қилгач, фарзандларини спорт мактабларига, тўгаракларга бошлаб келишаётганидир.

Корхонада амалга оширилаётган бу каби хайрли ишлар ўз самарасини бермоқда. 32-цех ишчиси Д.Бердиев оиласи билан Тошкент шаҳрида ўтказилган «Онам, отам ва мен» Республика оилавий спорт мусобақасида қатнашиб фахрли ўринни эгаллаган бўлса, шу цехнинг иқтисодчиси О.Фарҳодова ўғли билан «Фарзанд камоли — Ватан жамоли» кўрик-танловида учинчи ўринни қўлга киритди. Комиссиянинг бошланғич хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликдаги фаолияти вилоят телевидениеси, «Навоийский химик», «Тўмарис», «Дўстлик байроғи» газеталарида кенг ёритиляпти.

Аёлларнинг қобилиятини намоён қилишига кўмаклашиш мақсадида касаначилар ўртасида «Қўли гулдир ўзбек аёлин» кўрик-танлови ташкил этилганлиги ҳам айни муддао бўлди. Унда 20 нафар касаначи аёл тикиш-бичиш, тўқиш, репродуктив саломатлик, оилада тиббий маданиятни ошириш, спорт, эркин мавзуларда ўзаро беллашди. Ғолиблар қаторида барча иштирокчилар касаба уюшмасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

2 йилдан бери вилоятда ўтадиган «Гуллар — юртим жамоли» кўрик-танловида корхонанинг фахрли биринчи ўринни эгаллаб келаётганида ҳам ишчи аёлларнинг алоҳида хизмати бор. Ҳар йили ишчи-ходимлар, айниқса, хотин-қизлар учун республикамизнинг қадимий шаҳарлари ва зиёратгоҳларига саёҳатлар уюштирилади. Мустаҳкам оила йили муносабати билан Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Нурота шаҳарларига жамоавий саёҳатлар ташкил этилди.

Хотин-қизларнинг маданий-маърифий ҳордиқ чиқаришлари учун касаба уюшмаси ҳамиша ғамхўр. Навоий шаҳрида суратга олинган «Жигарбандим» филми ҳамда Самарқанд давлат театрининг одам савдосига бағишланган спектаклига 9,4 млн. сўмлик чипталар харид қилиниб, ишчиларга бепул тарқатилди.

Эзгулик аёлга муносабатда акс этади, деган ҳикматга «Навоийазот» мисолида яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

А. ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири,
ЎзКУФнинг Хотин-қизлар кенгаши аъзоси

Касаба уюшма ташаббуси

Наманган вилоятида яна бир хайрли ташаббусга қўл урилди. Касаба уюшма ташкилотлари аҳоли бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунар коллежи битирувчилари ўртасида «Устозшогирд» тизимини кенг оммалаштириш мақсадида «Ҳуқуқларимиз — қонун ҳимоясида» мавзуидаги тадбирларни ҳар бир туманда ўтказадиган бўлишди.

ЁШЛАР КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАБ

— Асосий мақсадимиз битирувчилар учун иш ўрни яратиш, тадбиркорларга давлат рўйхатидан ўтиш, фаолиятни кенгайтириш борасидаги иқтисодий, ҳуқуқий масалаларда кўмак беришдан иборат, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Зулайҳо Маҳкамова.

Ҳар бир тадбирда туманлар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш инспекцияси, давлат солиқ инспекцияси, «Микрокредитбанк» туман филиали, статистика бўлими, Бандликка кўмаклашиш маркази раҳбарлари ҳамда мутахассислари иштирок этмоқда. Шу билан бирга, йиғинлар олдидан тумандаги илғор, ташаббускор тадбиркорлар, ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилмоқда.

Тадбир давомида ёшлар қизиқишларига кўра турли соҳадаги ҳунармандларга шогирд сифатида бириктирилмоқда. Мингбулоқ туманида бўлиб ўтган анжуманда 37 нафар ҳусусий тадбиркор ва касаначи 148 нафар битирувчини тарбиялашни ўз зиммаларига олдилар. Бўш иш ўринлари ярмаркасида эса 11 киши меҳнат шартномаси тузишга муваффақ бўлди.

— Ушбу тадбирлар нафақат бизнесини эндигина бошлаётганлар, ҳатто анчагина тажрибага эга тадбиркорлар учун ҳам кўп нарса беради, — дейди «Моҳинабону ЧАМ» ҳусусий корхонаси бошлиғи Қорияхон Қодирова. — Туманимиздаги «Исмигул Бегойим» ҳусусий корхонаси бошлиғи Мукаррамхон Босаралиева, 37-мактабнинг ташаббускор ўқитувчиси Малика Йўлчиева, Болалар амалиёт маркази ўқитувчиларидан Нодира Абдураҳимова ва Дилноза Парпиева қаторида касаба уюшмасининг рағбатлантирувчи совғалари ҳамда ташаккурномаларига сазовор бўлганим руҳимни янада кўтарди.

Намунали Наманган туманида 70 нафар тадбиркорнинг маҳсулотлари кўргазмага қўйилди ҳамда уларнинг ҳар бирига биттадан битирувчи бириктирилди. 25 кишига касаба уюшмаларининг ташаккурномаси ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

— Бугун 12 нафар тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилди, — дейди касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси А.Усмонов. — 30 киши эса доимий иш билан таъминланди.

Саккизта туманда ўтказилган тадбирлар натижасида 444 нафар тадбиркору ҳунарманд 716 нафар коллеж битирувчисини шогирдликка олди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Туман кенгашларида

Бугунги кунда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Шовот туман кенгаши 3 минг 100 нафар аъзони ўз атрофига бирлаштирган.

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан 10 нафар аъзога моддий ёрдам пули ажратилди. Шовот озиқ-овқат корхонаси ходими Аматжон Мамедов, «Нурбек» хусусий корхонаси ишчиси Омонбой Нуриддинов кабилар ўз саломатликларини санаторийларда тиклашди. Аъзоларнинг ўн саккиз нафар фарзанди касаба уюшма ҳомийлигида ёзги таътилни Тошкент вилояти ва Хоразмдаги сўлим оромгоҳларда ўтказишди.

Эл-юрт равнақи ва осойишталигига муносиб улуш қўшган нуронийларни рағбатлантириш чоралари кўрилмоқда. Фаоллар Шомурод ота Жуманиёзов, Жумиёз ота Қўшбоев хонадонларида бўлишди: уларга касаба уюшмасининг моддий ёрдамлари берилди.

Ўз мухбиримиз

Оталиқдаги соҳа

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

Аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш ва улардан олинадиган даромадларни кўпайтириш мақсадида Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда томорқалардан бир йилда уч марта ҳосил олаётган оилалар кўпчиликни ташкил этади. Гулистон шаҳрининг «Дўстлик» кўрғонида бўлганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Холниса ая Кимсанова 15 сотих томорқасида кўкат, саримсоқ пиёз, помидор, картошка етиштиради. Оила аъзолари деҳқончиликнинг обдон ҳадисини олишган. Бирор қарич ер бекор турмайди. Биринчи экин йиғиштириб олингач, дарҳол иккинчисининг ҳаракатига тушилади.

Шу ерлик Бўрибой бобо Эшонқулов хонадони ҳам томорқа туфайли бири икки бўляпти. Мўъжазгина иссиқхона бамисоли «очил дастурхон». Қишда ҳам сархил помидор, бодринг ва кўкатларнинг кети узилмайди. Томорқанинг бир четида мевали дарахтлар ва сабзавот экинлари ўстирилади. Кўрғон ҳудудидаги 1140 та хонадоннинг қайси бирига кирманг, одамларнинг томорқадан унумли фойдаланаётганлигига гувоҳ бўласиз. Сирожиддин Абдимўминов, Абдуҳошим Аҳмедов, Аъзам Аскаров, Зокиржон Обидов, Комил Тошпўлатов, Мамлакат Нурматовалар оиласи йилига томорқадан катта фойда кўриб, уни хайрли ишларга сарфлашмоқда.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
жамоатчи мухбир

Қорақалпоғистондан дараклар

«СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА»

Олис Кегайли туманининг Қазанкетган шаҳарчасидаги шифохонада аёллар соғлигини муҳофаза қилиш йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда.

Етмиш ўринли саломатлик масканида 5 та бўлим бўлиб, бу ерда 8 нафар тажрибали врач ва 60 нафар ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходими ишламоқда. Бундан ташқари, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган поликлиника бир кунда 200 нафар беморни қабул қилиш имкониятига эга.

Врач-педиатр Жумабой Худойберганов ва акушер-гинеколог Гулчеҳра Ғоипова шифохонада беморларни даволаш билан бирга, аҳоли хонадонларида бўлиб «Она ва бола — гул билан лола», «Хотин-қизларнинг репродуктив саломатлиги», «Юқумли касалликлардан сақланинг», «Болалар соғлиғи — юрт бойлиги» каби мавзуларда суҳбатлар ўтказмоқда.

МАҚТОВГА ЛОЙИҚ

Республикада транспорт-коммуникация тизими тобора ривожланиб бормоқда. Бу борада 52 та ихтисослаштирилган корхонани ўзида бирлаштирган «Нукус транспорти» бошқармаси жамоасининг фаолияти мақтовга лойиқ.

Бошқарма бошлиғи С.Туремуротовнинг маълум қилишича, ҳозирги пайтда 73 та йўналиш бўйича 1000 га яқин енгил автомобил, 40 дан зиёд автобус транспорти қатнови йўлга қўйилган. «Samavto» масъулияти чекланган жамиятдан лизинг асосида 26 та «Isuzu» автобуси, «ҚорақалпоқавтоБўрон» МЧЖга 25 та «Damas» олиб келиниб, шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўналишларга қўйилди.

ГЎЗАЛ ВА ОБОД

Қўнғирот туманидаги «Қорақалпоғистон» шаҳарчаси йил сайин гўзал ва обод бўлиб бормоқда.

Шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Қутли Қўшимбетова ўтказилаётган ободончилик тадбирларига бош-қош. Айниқса, бу ердаги Қорақалпоғистон газ компрессор станцияси ҳомийлик ишларида ибрат бўляпти.

Яқинда шаҳарчадаги 56-сонли умумтаълим мактабига 11 та замонавий компютер олиб берилди.

Газ компрессор станцияси ёрдамида «Юлдуз» болалар боғчаси ва «Деҳқон бозори» сифатли таъмирланди.

БЕКАЛАР ИШЛИ БЎЛДИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёлларни ўқитиш, иқтисодий билим ва малакаларини ошириш доимий назоратда. Нукус ва Тахиатош шаҳарлари, Амударё, Нукус, Мўйноқ, Қўнғирот, Кегайли, Хўжайли, Тахтакўпир туманларида семинар-тренинглар ташкил этилиб, унда 700 нафар хотин-қиз иштирок этди.

Шуманайлик Бозоргул Носирова 24 миллион сўмлик банк кредити ҳисобига «Мийрам Патша» кичик корхонаси ташкил этиб, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Бозоргулнинг корхонасида 8 нафар хотин-қиз ишлаётган бўлса, Қўнғирот туманидаги Гулсара Абдуллаевага тегишли «Аган» фермер хўжалигида парандачилик ривожланмоқда.

— Банкнинг 20 миллион сўмлик кредити ҳисобига зотдор товуқлар келтириб, тухум ва парранда гўшти етиштиришни йўлга қўйдик, — дейди Гулсара опа. — Бунинг натижасида ўндан ортиқ хотин-қиз ишли бўлди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
жамоатчи мухбир

Намунали бошланғич ташкилотларда

МУҲИМИ, АЪЗОЛАР МАНФААТИ

Қарши тиббиёт коллежи касаба уюшма қўмитаси фаолияти намунали йўлга қўйилган бошланғичлардан. Ушбу масканда 3236 ўқувчига 289 нафар ўқитувчи таълим бериб келмоқда. Асли касби врач-педиатр бўлган Валихон Турсунов 2008 йилдан буён касаба уюшма қўмитаси раиси.

— Режада белгиланган ишларни тўлалигича амалга ошириш фаолиятимиз мезони, — дейди касабақўм. — Касаба уюшма маблағи ҳисобидан уюштирилган Самарқанд сафари, айниқса, ходимларимизга манзур бўлди.

Байрам саналари арафасида спорт тадбирлари уюштириш анъанага айланган. Жумладан, 1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан устозлар ўртасида волейбол турнири ўтказилди. Ноябр ойида эса ўқувчиларимиз тиббиёт коллежлари ўртасида ўтган «Саломатлик — соғлик гарови» спорт мусобақасининг минтақавий беллашувларида ғолиб бўлиб, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Қуёшли» оромгоҳида ўтказилган финал беллашувларида ҳам омадини синаб кўришди. «Соғлом оила — жамият таянчи» шиори остида ташкил этилган баҳсларда Ҳусниддин Сувонов оиласи вилоят миқёсида ғолиб бўлиб, баҳсларнинг республика босқичида қатнашди.

Шунингдек, ёзги мавсумда ходимларнинг 20 нафар фарзанди Ваҳоб Бердиев номидаги оромгоҳда дам олдирилди. Муҳими, аъзоларимиздан тушган ариза ва шикоятлар жойида ўрганилиб, камчилик ва нуқсонлар қисқа фурсат ичида бартараф этилмоқда. Ўтган йилда тушган 47 та аризанинг 37 таси ижобий ечим топди.

Битирувчилар бандлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. 2011-2012 ўқув йилида коллежни тугатган 1442 нафар ўқувчидан 1229 нафари ишга жойлашди. Айни пайтда 1601 нафар битирувчи «Устозшогирд» тизими асосида малакали устозларга бириктирилган ва уч томонлама шартномалар имзоланган. Коллежимизда Қарши шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда бўш, квоталанган ҳамда янги иш ўринлари тўғрисида бурчак ташкил этилган бўлиб, ундаги маълумотлар тез-тез янгиланиб турилади.

А. АБДИЕВ



Барча пудрат ишларини бажарувчи ташкилотлар диққатига!

Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси 9-ноябрдаги «Халқ сўзи» газетасидаги эълонга ва унга берилган изоҳга асосан қуйидаги иншоотлар бўйича қурилиш монтаж ишларини бажариш учун танлов савдолари (тендер) ўтказилишини эълон қилади.

Мукаммал қайта таъмирлаш объектлари		
Таълим объектлари номи	қуввати (ўқ. ўрни)	Умумий нархи
1. Бухоро шаҳар 38-сон мактаб (210 ўқувчи ўринга мўлжалланган қўшимча ўқув блоки қурилиши)	660	931,9
2. Жондор тумани 29-сон мактаб (240 ўқувчи ўринга мўлжалланган қўшимча ўқув блоки қурилиши)	240	552,0
3. Жондор тумани 33-сон мактаб (210 ўқувчи ўринга мўлжалланган қўшимча ўқув блоки қурилиши)	330	602,9
4. Ғиждувон тумани 20-сон мактаб (180 ўқувчи ўринга мўлжалланган қўшимча ўқув блоки ва 12х24 м ўлчамли спортзал қурилиши)	580	1177,2
5. Ғиждувон тумани 66-сон спорт мактаб (120 ўқувчи ўринга мўлжалланган қўшимча ўқув блоки ва 60 ўринга мўлжалланган ошхона қурилиши)	120	376,1
6. Қоракўл тумани Қорахони ҚФЙ 51-сон мактаб (96 ўқувчи ўринга мўлжалланган қўшимча ўқув блоки қурилиши)	96	220,9
7. Қоракўл туманидаги 52-сон махсус интернат мактаби (50 ўринли ётоқхона қурилиши)	100	500,0
8. Ромитан туманидаги 13-сон мактаб (120 ўқувчи ўринга мўлжалланган қўшимча ўқув блоки ва 9х18м ўлчамли спортзал қурилиши)	320	675,8
9. Шофиркон туман 19-сон интернат мактаби (140 ўқувчи ўринга мўлжалланган қўшимча ўқув блоки қурилиши)	140	322,1
10. Шофиркон туман 26-сон мактаб (120 ўқувчи ўринга мўлжалланган қўшимча ўқув блоки ва 12х24 м ўлчамли спортзал қурилиши)	320	845,5
11. Бухоро шаҳридаги 29-сон мактаб	425	682,6
12. Олот туманидаги 6-сон мактаб	420	244,1
13. Бухоро туманидаги 10-сон мактаб	750	435,8
14. Вобкент туманидаги 7-сон мактаб	600	348,6
15. Ғиждувон туманидаги 61-сон мактаб	316	183,6
16. Коғон шаҳридаги 9-сон мактаб	1061	616,4
17. Шофиркон туманидаги 27-сон мактаб	560	511,2
18. Шофиркон туманидаги 36-сон мактаб	540	244,1
19. Қоракўл туман Бухоро давлат университети ҳузуридаги 3-сон Академик лицей қурилиши	300	450
Соғлиқни сақлаш объектлари		
21. Вилоят кўптармоқли Тиббиёт маркази	120 коек	3750,0
Болалар спортини ривожлантириш фонди объектлари		
24. Бухоро шаҳридаги «Кураш маркази» қурилиши	объект	3400,0
25. Олот туманидаги 7-сон мактабида қўшимча 42х18 ўлчамли спортзал қурилиши	42х18	1350,0
26. Вобкент туманидаги 17-сон мактабида қўшимча 12х24 ўлчамли спортзал қурилиши	12х24	370,0
27. Бухоро туманидаги 21-сон мактабида қўшимча 12х24 ўлчамли спортзал қурилиши	12х24	370,0
Янги қурилиш		
28. Коғон туманидаги 6-сон мусиқа ва санъат мактаби қурилиши	2-тип	2500,0

Буюртмачи: Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси.

Манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй. Телефон: 223-63-26, Факс: 223-63-23.

Қурилиш ишлари давлдат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Пудрат ишларини бажарувчи ташкилотлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдорида айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар, ишчи кучи ресурсларига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига тажрибали шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқга эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясига мурожаат қилиш мумкин.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади.

Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси 5. Ягона буюртма хизмати инжиниринг компанияси биноси, 4-қават.Телефон: 223-63-26, Факс: 223-63-23.

Таклифлар (оферталар) очилиши қуйидаги манзилда ўтказилади:

Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси 5. Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси мажлислар зали.

Бирни кўриб фикр қил

Ўзбекчилик, ота-она орзу-ҳавас билан элга ош бериб, ўғлини уйлантирди. Аввалига бинойидек ҳаёт кечираётган келин-куёв ўртасида аста-секин тушунмовчиликлар пайдо бўла бошлади. «Деди-деди» авж олиб, оиланинг бузилишигача бориб етди.

БУРЧНИ УНУТИБ БЎЛМАЙДИ

Ажрашганидан сўнг Шоҳиста ўзининг қарамоғидаги вояга етмаган фарзанди таъминоти учун Нурбек Обидовдан нафақа ундириш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилади. Фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судининг 2010 йил 23 апрелдаги ажримига асосан Н.Обидовдан Ш.Обидова фойдасига фарзанди вояга етгунга қадар алимент ундирилиш белгиланди. Аммо Нурбек ёлғиз фарзандини таъминлаб туришга оғриниб, 2010 йилнинг апрел ойидан 2012 йилнинг 1 май кунигача бўлган муддатда жами 3 млн. 147 минг 975 сўм нафақа пулларини тўлашдан бўйин товлаб келди.

Ўзининг ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 122-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган Нурбек Обидовга жиноят ишлари бўйича Бағдод туман суди томонидан тегишли жазо тайинланди.

Алимент-ку тўланар. Бироқ, ота меҳридан бебаҳра ўсишга мажбур бўлган фарзаднинг тақдири не кечади? Алимент пуллари отасизлик азоби билан жароҳатланган қалбга малҳам бўла оладими?..

Рашидбек МЕҲМОНОВ,
Бағдод туман прокурори
ёрдамчиси

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси Бектемир тумани ҳокимиятининг «Бектемир-Инвест» давлат унитар корхонаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Сувчи даҳасида жойлашган (кейинги ўринда «Объект» деб ўқилади) қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлари негизида давлат улуши иштирокида хўжалик жамияти ташкил этиш бўйича 2013 йил 15 феврал куни танлов савдоларини ўтказади.

Танлов савдоларини ўтказиш шартлари қуйидагича:

- давлат мулки иштирокида хўжалик жамияти (АЖ ёки МЧЖ) ташкил этиш;
- ушбу объектга энг юқори инвестиция (бир йил давомида) киритиш мажбуриятини олиш;
- янги иш ўринларини ташкил этиш;
- замонавий ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш;
- бир йил давомида жамият устав фондини шакллантириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

«Бизнес-режа», устав нусхаси, юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси, директор паспорт нусхаси ва керакли ҳужжатларни конвертга солиб икки нусхада муҳрланган ҳолда тақдим қилинади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида сотувчи билан шартномани имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш танлов савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Танлов савдолари 2013 йил 15 феврал куни соат 16:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-74-72

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши жамоаси Янгиқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Саидвали Султановга онаси

ОНАХОН аянинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ishonch
2013-yil 8-yanvar № 3 (3196)

Ёшлар — юрт истиқболи

ҚИШЛОҚДАН ЧИҚҚАН ЧЕМПИОН

Чироқчи тумани Халқабод қишлоғида туғилиб ўсган Гўзал Раҳмонова яқинда кураш бўйича Ҳиндистоннинг Кочин Керола шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида 57 килограмм вазн тоифасида барча рақибларини мағлуб этиб, қитъа чемпиони, деган шарафли номни қўлга киритди. Биз чемпион билан учрашдик.

— Гўзал, курашга қизиқишингиз қандай бошланган?

— 2004 йилда Қорателпак қишлоғида Баҳриддин Ёрматов раҳбарлигидаги кураш залига ишга тушганда, акам Сирожиддинга эргашиб бу ерга борардим ва курашчиларнинг машғулотини кузатишдан эринмасдим. Сўнг ўзим ҳам шуғулланиб кетдим. Ҳозирги кунда Шодия Исломова, Фотима Боймуродова, Фаёза Каримова, Шоира Аминова каби тенгқур дугоналарим билан бирга машғулотлар ўтказяпмиз.

— Устозингиз Баҳриддин Ёрматовнинг айтишича, 2012 йил сиз учун анча омадли келибди...

— Йил бошида самбо бўйича республика биринчилигида иштирок этиб, иккита баҳсни ўз фойдамга ҳал этдим. Аммо учинчисида тажрибали рақибим устунлик қилди. Бухоронинг Олот туманида дзюдо бўйича ўтган мамлакат биринчилигида учинчи ўрин насиб этди. Август ойида Чироқчи туманида илк бор белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон кубоги ташкил этилди. Ушбу спорт тури мен учун янги бўлса-да, устозларим кўрсатмаси остида ҳаракат қилиб, 52 кг. вазн тоифасида кумуш медални қўлга киритдим. Ташкилотчиларнинг мени «Турнирнинг энг яхши спортчиси» деб эълон қилишгани эса ҳаётимдаги жуда ҳаяжонли лаҳзалардир. Сентябр ойида Хива шаҳрида миллий кураш бўйича катталар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ташкил этилди ва бронза медали соҳибига айландим. Дарвоқе, март ойида Чирчиқда ўз тенгқурларим (1995 йилда туғилганлар) ўртасида ҳам учинчи ўриндан жой олган эдим.

Хивадаги мусобақадан кейин терма жамоа мураббийлари ўқув-машғулот йиғинларига жалб қилишди ва 15 кун Республика Олимпия захиралари коллежида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Мурод Дусумбетов раҳбарлигида шуғулландим. Кетма-кет мусобақаларда орттирган тажрибам Ҳиндистонда асқотди.

— Ҳинд диёри таассуротлари ҳақида сўзлаб берсангиз...

— Ҳиндистонликлар бизнинг курашимизни яхши ўзлаштиришган экан. Маҳаллий ишқибозлар ўз вакилларини тинимсиз олқишлаб туришди. Финалда туркманистонлик Озода исмли қизни мағлуб этдим.

— Чемпионатда икки нафар ҳинд қизини енгдингиз. Майдон эгаларига қарши курашиш қийин бўлмадими?

— Бироз ҳаяжон босса-да, ўзимга ишончим бор эди. Ахир кураш бизнинг миллий спорт туримиз. Бошқалардан бир поғона баланд туришимиз шарт.

— Айни пайтда нима билан машғулсиз?

— Чироқчи спорт педагогика коллежининг 1-босқичида таҳсил олаяпман. Коллеж директори Собир Хидиров мусобақаларга пухта ҳозирлик кўриш ҳамда иштирок этишим учун имкон қадар шароит яратиб беряпти. Бундан ташқари, Чироқчи туман 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Фарҳод Жуманов ва устозим мен каби оддий қишлоқ қизининг мусобақаларда тобланишимда ёрдамини аямаяпти.

— Келгусидаги орзуларингиз?..

— Жаҳон чемпионати, Осиё ва Олимпия ўйинларида зафар қучишни жуда-жуда истайман. Қишлоқ қизларига кураш сирларини ўргатадиган мураббий бўлмоқчиман.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Қатра

Ҳар йигит-қизни-да агар шарму
ҳаёси бўлмағай,
Элда анга жонкуяр бир
ошиноси бўлмағай.
Бўлмаса ўғлинг-қизингнинг
хулқи-одоби гўзал,
Тарбия қилдим деган сўзинг
адоси бўлмағай...



ҚЎШИҚЧИ БОБО

Эрта тонгда бу жарангдор, ёқимли қўшиқ эшитилиши билан югуриб дераза ёнига бораман, қўшиқчи бобонинг ҳаракатларини кузата бошлайман. У оҳиста қадам ташлайди. Ёнидан ўтиб-қайтаётган, ўз иши билан овора одамларга деярли эътибор бермайди. Кўзи ярим юмуқ ҳолда қўшиғини давом эттиради:

Ўз ичингдан дейдилар чиққан балога йўқ даво,
Яхши ўстирсанг болангни бир балоси бўлмағай...

Кўпчилик уни гадо ҳисоблайди ва чўнтак ковлаб, атаганини чиқариб беради. Бобонинг овози, қўшиғи кўпларга гўё «садақа қилинг» деяётгандек туюлади. Ҳамма бир-биридан кўриб, борича қўлига пул тутқазиб кетаверади. Аммо у бунга кўпам аҳамият бермайди. Ёнидан таниш ўтаяптими, нотанишми, қўлига пул тутқазишаяптими ёки қуруқ қоғозми, эътибор қилмайди. Фақат ўз қўшиғи, дарди билан куйиб-ёниб куйлайверади:

Маҳаллангдан ўтиб кетсам, танимасдан гадо дерлар...

У қўшиқ куйлаш орқали ички дардидан (вақтинча бўлса-да) фориғ бўлади.

Бобони анча вақт пойлаб, кузатиб, ниҳоят у билан суҳбатлашдим. Айтишича, у ёшлигиданоқ миллий мумтоз қўшиқлар, машҳур ҳофизлар ашулаларини куйлаб, эл орасида «ҳофиз» деган ном олган. Бироқ оилавий шароит ўз истеъдодини тарбиялашга имкон бермаган. Етим қолиб, бировлар хонадонида хизмат қилган. Яхши инсонлар кўмаги билан оила қуриб, ўн нафар фарзанд кўрган. Аммо бири тирик қолиб, вояга етгану уни ҳам аччиқ қисмат қарши олиб, ногирон бўлиб қолган. Ғамдан адо бўлган аёли эса бу дунёни эрта тарк этган...

Руҳан ёлғизланган бобонинг дардлари қўшиғида намоён бўлади:

Эй қуёш маҳвашгинам, сенга етолмай ташнаман,
Ўртамизда дарё бор, ундан ўтолмай ташнаман.
Дарёнинг тошқинлиги тақдир йўлини боғлаган,
Майни бер, аччиқ шароб сенсиз ичолмай ташнаман...

Бугун қўшиқ куйлаш жўн бир ишга айланиб қолди. Бир ҳажвчи айтганидек, «иши юришмаган» борки, ўзини санъатга урмоқда, ундан бизнес сифатида фойдаланмоқда.

Бу дунёга ҳамма меҳмон. Бобо ҳам шуни таъкидлаётгандек тинмай куйлайди:

Аё дўстлар, биродарлар, бир-биримизга меҳмонмиз...

Холида ФАЙЗИЕВА

Ҳажвия

Ярим тунда хиргойи қилганича улфатчиликдан қайтаётган Сотволди ҳовлисига кираверишдаги дарахт тагида турган антиқа ҳайвонни кўриб, сал бўлмаса ўтакаси ёрилаёзди. Тавба, мушук деса мушукка, ит деса итга ўхшамайди. Бунинг устига орқа оёқларида туриб олган. Ҳе йўқ, бе йўқ, дунёнинг бутун ташвиши бошига тушгандай сигарета тутатяпти. Йигит гарангсиб қолди. Балки бироз кўп ичиб юборгандирман, деган ўйда юз-кўзини пайпаслади.

ШАЙТОН БИЛАН УЧРАШУВ

— Ҳа алкаш, соат неччи бўлди? — Антиқа ҳайвон қўлларини орқасига чирмаштириб, дарахт панасидан чиқиб келди. — Қачонгача менинг номимни булғайсан?! Жонга тегиб кетдинг-ку!

— Мен... Мен... Ҳалиги... Сиз кимсиз? — тилга кирган ҳайвонни кўриб йигитнинг ҳуши бошидан учди.

— Ўзи ҳамма шунақа, — яна баланд келди ҳайвон. — Қилғиликни ўзлари қилишади-ю, балогардон мен. Энди йиғиштир бунақа ишларингни. Анави тили «чақ-қон» хотининг ҳар куни мени қарғагани-қарғаган. Тинч яшашга қўясанларми, йўқми?

— Кечирасиз, ўзингизни таништирмадингиз, — йигит бироз дадилланди.

— Мен Шайтонман, — мавжудод чўнтагидан яна сигарет олди ва чека бошлади.

— Э Шайтон ака... Яхшимисиз, уйдагилар яхшими? Ўзи анчадан буён сизни кўришни орзу қилиб юргандим. Дўстларим ҳам айтишади, сен Шайтон билан ётасан, деб. Ҳа, айтгандай, бу ёққа келинг, гап бор. — Йигит Шайтоннинг елкасидан олиб, уни яна дарахт тагига бошлади. — Учрашсам, сиз билан бир отамлашишни кўзлаб, ана шу дарахт тагига «яримта» кўмиб қўйганман. Ўзиям зўридан. Бу учрашувни нишонламаса бўлмайди...

— Ўў, нималар деяпсан?!

— Ҳа энди, танишганимиз шарофатига...

— Ақлинг жойидами?! Мен умуман ичмайман!

— Ҳамма бошида шундай дейди, — йигит кулди. — Сиз ҳеч хавотир олманг, соғлиққа зарари йўқ. Бир қултум ичсангиз, кейин биласиз мазасини.

— Қандай бўларкин... — Шайтон нима қилишни билмай иккиланарди.

...Тонгга яқин уйига маст ҳолда қайтган Шайтонни хотини тергай бошлади:

— Ҳа тиқилиб ўлгур, ичибсан-да?! Билама-а-ан, сени анави Сотволди йўлдан урган...

Руслан САБУРОВ

Рассом хандаси

Рассом: Хусан СОДИҚОВ

ЯНГИ ЙИЛ ҚУВОНЧЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Муҳаммад КАРИМ олган сурат

Мушоҳада

Қани, кимда аниқ маълумот бор: илк кундалик қачон ёзилган? Умуман, одамлар нега кундалик ёзади? Қачонлардир кишилар кўзи етган жойдан бошқасини билмаганида, Ерни учта фил кўтариб туради, деб ҳисоблаб юрган замонларда жаҳонгашта сайёҳларнинг кундаликлари орқали ўзга юртлар, ўзга одамлар ҳақида тасаввурга эга бўлишган. Ўша кундаликларда турли халқлар, турфа ажойиботлар ҳақида ҳикоя қилинган. Қирғинбарот урушлар, жангу жадалларнинг ҳақиқий тасвири ҳам айнан уларда қатнашган жангчиларнинг хотира битикларида аён бўлади.

КУНДАЛИК ТУТАСИЗМИ?

Сиз ҳам кундалик тутганмисиз? Унга кўнглингизни очиб, қувончу ташвишларингизни баҳам кўрганмисиз? Ичингизда пинҳон тутганларингиз, ҳеч кимга айтолмаган гапларни ёзиб, енгил тортганмисиз? Бу дунёда сиригизни ишониб айтадиган маҳрами асрор топиш мушкул иш. Балки шу сабаб одамлар кундалик ёзишга эҳтиёж сезар. Айримлар учун кундалик яқин сирдошга айланиб қолган.

Кундалик куннинг ибратими, ё ҳикмати? Балки у инсон учун ўзини ички имтиҳон қилиши, яъни куннинг кўзгусидир? Ўтган кунлар, босиб ўтилган йўллардан олинган хулосаларнинг қоғозда акс этишидир? Менинг ҳам кундалигим бор. Ҳаётимнинг энг қувончли онларини унга муҳрлаганман. Орадан қанча вақт ўтса ҳам шу саҳифаларни ўқиганимда қалбим аллanечук шодликка тўлади, кўзларимда ёш айланади. Ўша кайфиятни яна туйгандек бўламан. Ҳатто имлодан ҳам ҳолатимни билиш мумкин. Яқинларим, дўстларимга айтолмаган гапларни-да кундаликка ёзганман.

Баъзан бир неча йил олдин битилган шундай сатрларни ўқиб, балки ўшанда бу гапларни уларнинг ўзига айтганимда, бунга журъат топганимда ҳаётим ҳозир бутунлай бошқача бўлармиди, деган фикрга бораман. Инсоннинг табиати қизиқ. Бировлардан етган озор, бир оғиз ёмон гапни оғир олиб, унутолмай юрамизу, яхшиликлар тезда ёдимиздан кўтарилади. Хайриятки, кундалигимда қийин вазиятларда менга ёрдам берган, яхшилик қилган инсонларни тилга олган эканман. Ҳар гал ўқиб, улардан такрор миннатдор бўламан. «Кундалик тутиш ёшга ҳам боғлиқ, менимча, — дейди 22 ёшлардаги дўстларимдан бири. — Ўсмирлик пайтларимда ҳис-туйғуларимни қоғозга тушириш орқали кўнглимни бўшатишни хоҳлардим. Улғайганим сари кундалик тутишга бўлган қарашларим ўзгарди. Турмушга чиққач, деярли ёзмай қўйдим. Лекин ҳозир ҳам кундалигимни варақлаганимда мактаб хотиралари, синфдош дўстларим ёдимга тушади». Яна бир дўстим эса бутунлай бошқа фикрни айтди: «Ёзилган нарса барибир ўқилади. Шунинг учун сирларимни ошкор қилгим, кимнингдир қўлига тушиб қолмадимикан, деган ҳадикда юришни хоҳламайман».

— Кундалик тутишнинг яхши томонлари ҳам бор, — дейди ёши улуғ онахонлардан бири. — Кундалик эртанги кун, ҳаётнинг кейинги саҳифалари режасини белгилаб олишга хизмат қилади. Кунлар бир-бири билан занжирдай боғлиқ. Бугун адо этолмаган ишни эртага бажариш, йўл қўйилган хатоларни тузатиш борасида хулосалар чиқариш мумкин. Фақат у (кундалик) ўткинчи сафсаталардан, бекорчи гаплардан иборат бўлиб қолмаслиги керак.

Ўзбек адибларининг кўпчилиги кундалик ёзганлиги ҳақида эшитганмиз. Масалан, Асқад Мухтор ўзининг «Тундаликлар»ида шундай ёзади: «Кейинги вақтда — кексалик, хасталик сабаб — жуда камуйқу бўлиб қолдим. Уйқу қочганда бош-кети йўқ, узуқ-юлуқ ўй-хаёл қалашиб келаверяркан. Шунда тунчироқ остида турган дафтарга баъзи тасодифий фикрларни ёзиб қўядиган бўлдим. Дафтаримни «Тундалик» деб атадим. Бу «жанр»нинг «кундалик»дан фарқи шуки, унда хронологик тартибдаги воқеалар бўлмайди».

Ҳа, кундалик тутиш борасида фикрлар турлича. Бироқ нима бўлганда ҳам кундалик — ҳар бир саҳифасида умрнинг бир парчасини сақлаб қолувчи хотира, инсоннинг руҳий олами-ю, қалб кечинмалари далили, ўз-ўзини англаш ва тушуниш йўлидаги уринишдир. Уни тутиш ёки тутмаслик эса ҳар кимнинг ўз хоҳиши, кўнгил танловидир.

Шоҳсанам НИЁЗОВА

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati: Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat — 256-87-74, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 99890 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 91 131-61-55; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00; Qashqadaryo +998 91 467-30-01.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 21. 10

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 111 | 20198 nusxada bosildi | 1 3 4 5